

БЕФАРҚЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Улугбек Муратович КЕНЖАЕВ

Тадқиқотчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада бефарқликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, унинг ахлоқий ва ижтимоий оқибатлари, инсон тажрибаси, ахлоқи ва ижтимоий масъулиятига таъсири фалсафий таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, бефарқлик, инсон, файласуф, таълимот, шахс, жамият, борлик.

ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ БЕЗРАЗЛИЧИЕ

Улугбек Муратович КЕНЖАЕВ

Исследователь

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В данной статье исследуются причины возникновения безразличия, с философской точки зрения анализируются ее моральные и социальные последствия, влияние на человеческий опыт, нравственность и социальную ответственность.

Ключевые слова: глобализация, безразличие, человек, философ, учение, личность, общество, единица.

Кишилик жамияти муттасил ўзгаришларда, эврилишларда экани яхши маълум. Глобаллашув жараёнида бу ўзгаришлар айниқса интенсив тус олганини ҳам яхши биламиз. Тобора жадаллашиб бораётган ижтимоий ўзгаришлар одам боласи руҳиятига фаол таъсир кўрсатмоқда. Унинг натижаси ўлароқ турли жамият аъзоларининг бир гуруҳида ижтимоий фаоллик ортаётган бўлса, бошқа гуруҳида ижтимоий жараёнларга бефарқлик, воқеаларга лоқайд муносабат шаклланимоқда. Ташвишланарли жиҳати шундаки, жаҳоннинг қарийб барча мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлган кишиларнинг кўпаяётгани кузатилмоқда. Айрим пайтларда бефарқлик турфа ижтимоий муаммоларнинг чуқур илдиз отишига, кенг кўламли ижтимоий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан шахс бефарқлигининг мазмуни ва шакллари, сабаблари ва оқибатларини аниқлаш,

бу борадаги фалсафий мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда уни бартараф этиш имкониятларини топиш масаласи айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, шахс бефарқлиги табиати хусусида тизимли илмий тасаввурларга эга бўлиш орқалигина унга барҳам бериш мумкин.

Инсон, энг аввало, ижтимоий мавжудотдир [1]. Шу боисдан унинг саодати, фаровон ва осойишта турмуши ижтимоий шарт-шароитлар билан бевосита боғланган. Файласуфларнинг асрлар давомида кишиларнинг ижтимоий шарт-шароитларини мақбуллаштиришга, уларни такомиллаштиришга чорлаб келганлари сабаби ҳам шунда. Лекин фалсафа тарихида жамиятни турфа азоб-уқубатлар, ташвишлар, муаммолар манбаи сифатида талқин қилиш намуналари ҳам учрайди. Мазкур талқинларга асосланган фалсафий таълимотларда саодатга эришиш учун ижтимоий жараёнларга иштирок этмаслик, уларга бефарқ муносабатда бўлиш тарғиб ва ташвиқ қилинади. Бу таълимотларда ташқи оламда содир бўлаётган воқеа ва жараёнларга иштирокдан тийилиш, уларга бефарқ муносабатда бўлиш оқиллик белгиси сифатида таърифланади.

Мутафаккирлар ва мутахассисларнинг мавзуга доир мулоҳазалари “бефарқлик” тушунчасининг мазмуни ва компонентларини аниқлашда, уни юзага келтирадиган ижтимоий ва шахсий омилларни муфассал ифодалашда, ижтимоий оқибатларини башорат қилишда назарий-методологик асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, бефарқлик – шахснинг ҳаётий мақсадлардан мосуволикда, ижтимоий жараёнларга лоқайд муносабатда, муайян фаолиятга мойилликнинг заифлигида ўз ифодасини топадиган руҳий ҳолатидир. Ушбу руҳий ҳолатнинг ўзига хос ҳиссий, гносеологик, аксиологик ва праксиологик жиҳатлари мавжуд. Хусусан:

– шахс бефарқлигининг ҳиссий жиҳати жамиятда содир бўлаётган жараёнларга доир туйғу ва кечинмаларнинг атрофиясида намоён бўлади. Бефарқ шахсни бирор воқеа, ҳодиса ажаблантирмай ёхуд жунбушга келтирмай, қувонтирмай ёхуд ҳафсаласини пир қилмай, руҳлантирмай ёхуд

тушкунликка туширмай қўяди; у ижтимоий воқеликка мутлақо нейтрал муносабатда бўлишга одатланиб қолади;

– шахс бефарқлигининг гносеологик жиҳати турфа ижтимоий билимларга қизиқишнинг, ижтимоий жараёнлар сабаблари ва оқибатларини билишга бўлган интилишнинг сўнишида намоён бўлади. Бефарқ шахс жамият борлиғига доир билимларни ўзлаштиришга мойиллик билдирмайди, бирор-бир воқеани вужудга келтирган омиллар, унинг натижасида юзага келган ёхуд келажак натижалардан воқиф бўлишга ошиқмай қўяди;

– шахс бефарқлигининг аксиологик жиҳати унинг қадриятларининг жамият қадриятларидан айри тушишида намоён бўлади. Бефарқ шахс умумэътироф этилган қадриятларни қадрламай, уларга интилмай, ўзлаштиришга мойиллик билдирмай қўяди;

– шахс бефарқлигининг праксиологик жиҳати ижтимоий жараёнларга иштирокнинг пассивлашишида намоён бўлади. Бефарқ шахс жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида қатнашмай қўяди, жамоатчилик ишларидан ўзини торта бошлайди, ўз қобиғига ўралиб яшашга мойил бўлиб қолади.

Мавзуга бағишланган илмий ишларда шахс бефарқлиги қатор ижтимоий ва руҳий омиллар таъсирида юзага келиши таъкидланади [2]. Дарҳақиқат, жамиятдаги айрим трансформациялар, тенденциялар, ҳолатлар шахсни ижтимоий воқеликка бефарқ қилиб қўйиши мумкин. Масалан, бефарқликни вужудга келтирувчи асосий ижтимоий омиллардан бири жамиятдаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ. Борлиқнинг барча шакллари каби жамият ҳам муттасил ўзгаришларда ва эврилишларда мавжуд бўлишини айтиб ўтдик. Айрим паллаларда бу ўзгаришлар экстенсив тарзда, бошқа даврларда эса – интенсив равишда содир бўлади. Экстенсив ижтимоий ўзгаришлар одатда узоқ муддат давомида асосан миқдорий тарзда содир бўлгани туфайли жамият аъзолари уларга мослашишга қийналмайдилар. Бундан фарқли ўлароқ, интенсив ижтимоий ўзгаришлар жамият аъзоларидан уларга фаол мослашиб боришни талаб қилади. Табиийки, кишиларнинг бир

гуруҳи бунинг уддасидан чикса, бошқа гуруҳи юз бераётган ўзгаришлардан ортда қола бошлайди. Бу ўзгаришлар уни одатий турмуш тарзи, мароми, интилишларидан мосуво қилади. Пировардида, у тобора тушунарсиз бўлиб бораётган ижтимоий ўзгаришларга бефарқ бўлиб қолади.

Жамиятда ижтимоий ворисийлик занжирининг бузилиши ҳам шахсни воқеликка бефарқ қилиб қўйиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай жамиятда турфа ижтимоий тажрибаларни жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва келгуси авлодларга етказишга хизмат қиладиган ижтимоий механизмлар мавжуд бўлади. Бунда ижтимоий тажриба вазифасини аجدодлар томонидан апробациядан ўтказилган малака ва кўникмалар, ижтимоий роллар, нормалар, кадриятлар ва шу кабилар ўтайди [3]. Уларнинг ўзлаштирилиши шахсга фаол ижтимоийлашиш, ижтимоий жараёнларга муносабат билдириш ва уларда иштирок этиш имконини беради. Ижтимоий ворисийлик занжирининг бузилиши эса шахсни мазкур ижтимоий тажрибалардан узиб қўяди. Аждодлар меросидан мосуво бўлган шахс эса ижтимоий жараёнларга тўлақонли иштирок этиш имкониятларидан бебаҳра қолади, бундай йўқотиш унинг воқеликка қизиқишини сўндиради.

Бефарқликка сабаб бўлувчи ижтимоий омиллардан яна бири ижтимоий нормаларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ижтимоий нормалар, яъни жамият ҳаётини, кишилар ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи қоидалар шахс ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз хулқ-атвори моделини айнан ана шу нормаларга таянган ҳолда шакллантиради. Шахс ўз амалларининг мақбуллиги ва умумманфаатларга мутаносиблигини, турфа ижтимоий жараёнларда иштирок этиш заруриятини ҳам мазкур ижтимоий нормалар орқали англайди [4]. Ижтимоий нормаларнинг трансформацияси, ёки образли қилиб айтганда, “ўйин қоидаларининг ўзгариши”, бир томондан, шахсни ўз фаолиятини аниқлаш ва баҳолаш мезонларидан айиради, иккинчи томондан эса, ижтимоий жараёнларда иштирок этиш моделини англашни қийинлаштиради. Жамиятда юз бераётган воқеаларга қай тарзда қатнашиш

лозимлигини тушуна олмай қолган киши эса аста-секинлик билан лоқайд бўлиб бораверади.

Турфа ижтимоий омиллар каби инсон руҳий оламида кечаётган эврилишлар, кечинмалар, эҳтирослар ҳам уни ижтимоий воқеликка бефарқ қилиб қўйиши мумкин. Жумладан, бефарқликни шакллантирадиган энг катта руҳий омиллардан бири умидсизликдир. Умид – “бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч” [5] – инсонни аниқ ҳаётий мақсадлар сари етаклайди, бу борада эришилган муваффақиятларни қадрлашга, омадсизликлардан тушкунликка тушмасликка ундайди. Ҳатто энг аянчли дақиқаларда, барча кутилмалар пароканда бўлган вазиятда ҳам айнан умид инсонни руҳлантириб, тоқатини бут қилиб туради. Келажакда ўз истакларининг рўёбга чиқишига умид қилган инсонгина ижтимоий жараёнларга қизиқиш билдиради, уларда фаол иштирок этади. Умиднинг ўлиши келажакка бўлган ишончнинг сўнишидир. Орзу-истаклари амалга ошмаслигига амин бўлган, умидсизликка тушган кишининг ижтимоий жараёнларга қизиқиши, уларда қатнашиш иштиёқи қолмайди.

Шахс бефарқлигининг яна бир манбаи иқтидорсизликдир. Иқтидор – жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиш имконияти, иқтидорсизлик – ундан мосуволикдир. Шахс ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлгани сайин унинг ижтимоий воқеликка эътибори, уларда иштирок этишга мойиллиги орта боради. Бундай иқтидорнинг сўниши унинг жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга қизиқишини йўқотади. Шунинг учун ҳам демократия норма ва қадриятлари устувор бўлган жамиятда фуқаролар турли воқеаларга фаол муносабат билдирадилар, муайян муаммони бартараф этишда бош-қош бўладилар. Тоталитар тузум шароитида ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлган шахс уларда иштирок этишдан бош тортади. Минглаб баландпарвоз шиорлар, жадал тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам ўзининг иқтидорсизлигига амин бўлган жамият аъзосини бефарқлик гирдобидан чиқара олмайди.

Шахс бефарқлигини вужудга келтирувчи руҳий омиллардан яна бири унинг қадриятларининг қадрсизланиши билан боғлиқ. Шахс умри мобайнида муайян қадриятларни эъзозлаб, уларга интилиб, ўз турмуш тарзи ва ҳаётий фаолиятини улар асосида ташкил қилиб яшайди. Кескин ва жадал, қисқа муддатда содир бўлган ижтимоий янгиланишлар уларнинг ижтимоий аҳамиятини буткул ўзгартириши ёки йўққа чиқариши, бошқача айтганда, уларни қадрсизлантириши мумкин. “Қадрсизланиш – муайян қадрият ёки қадриятлар тизимининг ўз қадрини йўқотиши ёки пасайтириши жараёнини, инсоннинг ўз обрў-эътиборини, мавқеини йўқотиши, назардан қолиши маъносини англатувчи тушунчадир”. Шахс қадриятларининг қадрсизланиши турли тарзда зухурланади. Масалан, “қадрсизланиш муайян қадрият, миллий манфаатлар, давлат сиёсатига ишончсизлик, одамларнинг нималардандир ҳафсаласи пир бўлиши, кўпчиликнинг кўнгли қолиши тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин” [6].

Хуллас, бефарқлик ўз-ўзидан юзага келиб қоладиган феномен эмас. У юқорида кўрсатилганидек, қатор ижтимоий ва руҳий омиллар натижасида пайдо бўлади ва сақланади. У қайси омил натижасида шаклланмасин, жамиятда бефарқ кишиларнинг кўпайиши аянчли ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, у:

– жиддий иқтисодий оқибатларга олиб келади. Бефарқ шахс ўз функционал вазифаларини “қўл учиди” бажара бошлайди, ишлаб чиқариш жараёнида ташаббускорлик кўрсатмай қўяди. Бунинг натижасида у меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотда меҳнат самарадорлиги даражаси тушиб кетади. Бефарқликнинг ижтимоий қўлам касб этиши эса мамлакат иқтисодий тараққиётини сезиларли равишда секинлаштиради. Бефарқ кишиларнинг кўпайиши айниқса иқтисодий ислохотларни амалга ошириш илинжида бўлган мамлакатлар учун хавфлидир. Чунки у жамият иқтисодий салоҳиятининг маълум қисмини иқтисодий мақсадлардан узиб қўяди;

– жиддий сиёсий оқибатларга олиб келади. Бефарқ шахс сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмай, турфа ижтимоий муаммоларга муносабат

билдирмай қўяди. Бунинг натижасида жамият сиёсий тизимининг ривожини секинлашади, давлат билан фуқаролар ўртасидаги алоқалар заифлашади. Бефарқлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳам халал беради. Чунки бундай кишилар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида тўлақонли қатнашмай қўядилар. Оқибатда жамиятда ижтимоий назорат имкониятлари сусайиб кетади. Геосиёсий зиддиятлар кучайиб бораётган, мафкуравий кураш аёвсиз тус олаётган бир шароитда бефарқ кишиларнинг кўпайиши мамлакат сиёсий хавфсизлигига таҳдид даражасига кўтарилиши мумкин;

– жиддий ижтимоий оқибатларга олиб келади. Бефарқ шахс ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этмайди, ўз қобилигига ўралиб, ўз дарду ташвишлари билан яшашга одатланади. Бундай пассивлик шундоқ ҳам индивидуаллашиб бораётган жамиятни янада индивидуаллаштириб юборади. Бефарқлик ижтимоий ҳамжиҳатликни емирувчи хавфли омиллардан биридир: унинг кенг илдиз отиши оқибатида одамлар бир-бирларига ёрдам бермай, бир-бирларини қўллаб-қувватламай, бир-бирларига хайрихоҳ бўлмай қўядилар;

– жиддий маънавий-ахлоқий оқибатларга олиб келади. Бефарқ шахс жамиятда ҳукм сураётган маънавий муҳитга, ўзгаларнинг ахлоқий қиёфасига эътиборсиз бўлиб қолади. Бунинг натижасида жамиятда номақбул ҳуқ-атвор кўринишлари авж олиб бораверади. Бефарқлик гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ахлоқсизлик, субутсизлик, адолатсизлик, инсофсизлик, мутаассиблик, порахўрлик, муттаҳамлик, фирибгарлик каби кўплаб ижтимоий иллатларнинг илдиз отишига ҳам сабаб бўлади.

Шахс бефарқлиги ижтимоий (интенсив ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий ворисийлик занжирининг бузилиши, ижтимоий нормаларнинг ўзгариши, турмуш тарзининг индивидуаллашиши, ахборот алмашувининг интенсивлашуви) ва руҳий (умидсизлик, иқтидорсизлик, эрксизлик, қадриятларнинг қадрсизланиши, ёлғизлик) омиллар таъсирида юзага келади.

Жамиятда бефарқ кишиларнинг кўпайиши аянчли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2007.
2. Ветерок Е.В. Проблема социальной апатии в зарубежных и отечественных исследованиях // SMALTA, 2021. – №3. – С.12.
3. Исхакова Г.И. Социальная преемственность: философский анализ: Автореф. дисс....канд филос.н. – Уфа: Башкирский ГУ, 2002.
4. Юлдошев С., Султоналиева Г. Ижтимоий нормалар ва уларнинг инсон ривожланишидаги таъсири // Информатика и инженерные технологии, 2023. – №1. – Б. 495-500.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 283 б.
6. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2019. – 649 б.